



**IMPROVING THE REGULATORY IMPACT ASSESSMENT (RIA)
SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: LESSONS FROM
THE REPUBLIC OF KOREA’S EXPERIENCE AND PROSPECTS**

Durbek Rakhimberdiev

Senior Consultant, Institute for Analysis and Regulatory Impact Assessment
under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this article examines the formation and development of the Regulatory Impact Assessment (RIA) system in the Republic of Uzbekistan, as well as the regulatory reform experience of the Republic of Korea following its 1997 economic crisis. The first section analyzes the current legal-normative framework in Uzbekistan and reviews reforms implemented during 2021–2024. The second section presents a detailed account of Korea’s four-track reform approach, ranging from regulatory guillotine to institutional capacity building. The third section develops practical recommendations aimed at further improving the national RIA system. The article substantiates the need for new approaches for Uzbekistan from the perspective of ex ante and ex post assessment methodology.

Keywords: regulatory impact assessment; RIA; ex ante assessment; ex post assessment; regulatory burden; Korean experience; normative legal acts; smart regulation; Uzbekistan.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ (ТСТБ) ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: КОРЕЯ
РЕСПУБЛИКАСИ ТАЖРИБАСИДАН САБОҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

Дурбек Раҳимбердиев

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил
қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти бош маслаҳатчиси

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида тартибга солиш
таъсирини баҳолаш (ТСТБ) тизимининг шаклланиши ва ривожланиши,





**JOURNAL OF
SCIENCE AND INNOVATIVE RESEARCH STUDIES
VOLUME-1, ISSUE-3, 2026**

шунингдек, Корея Республикасининг 1997 йилги иқтисодий инқирозидан кейинги тартибга солиш ислоҳотлари тажрибаси ўрганилган. Биринчи қисмда Ўзбекистондаги амалдаги қонунчилик базаси таҳлил қилиниб, 2021–2024 йиллар давомида амалга оширилган ислоҳотлар кўриб чиқилган. Иккинчи қисмда Корея Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гильотинасидан тортиб институционал қурилишга қадар бўлган тўрт йўналишли ислоҳоти батафсил ёритилган. Учинчи қисмда миллий ТСТБ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Мақола “ex ante” ва “ex post” баҳолаш методологияси нуқтаи назаридан Ўзбекистон учун янги ёндашувлар зарурлигини асослайди.

Калит сўзлар: тартибга солиш таъсирини баҳолаш; ТСТБ; ex ante баҳолаш; ex post баҳолаш; тартибга солиш юки; Корея тажрибаси; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; ақлли тартибга солиш; Ўзбекистон.

Замонавий давлат бошқаруви тизимида норма ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ва тартибга солиш юкини оптималлаштириш ҳар қайси мамлакат учун стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Иқтисодий ислоҳотларнинг амалий самарасини таъминлаш кўп жиҳатдан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва сифатига, уларнинг иқтисодиёт ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини илмий асосланган баҳолашга бевосита боғлиқ.

Жаҳон амалиётида тартибга солиш таъсирини баҳолаш (Regulatory Impact Assessment — RIA) тизими ана шу заруратдан келиб чиқиб шаклланган ва асосан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ/OECD) аъзо давлатлари томонидан мустақкам институционал тизимга айлантирилган. Мазкур тизим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингунга қадар (ex ante) ва қабул қилингандан кейин (ex post) уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кўрсатадиган таъсирини комплекс баҳолашни назарда тутди.





Ўзбекистон Республикаси ҳам сўнгги йилларда мазкур соҳада жиддий қадамлар ташлаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ) тизимини босқичма-босқич жорий этди. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизимни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун хорижий давлатлар, жумладан, Корея Республикаси тажрибасини ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида ТСТБ тизимининг амалдаги ҳолати ва ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикасида тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг жорий этилиши узоқ йиллик тайёргарлик жараёнини ўз ичига олади. Ушбу соҳада дастлабки институционал заминни яратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилдаги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Адлия вазирлиги ваколатларини кенгайтириш орқали амалга оширилди. Бирок тизим расмий тарзда 2021 йилда шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5025-сон қарори мамлакатда ТСТБ тизимини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда асосий дастлабки ҳужжат сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида уларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишни мажбурий босқичга айлантди.

Қарорга кўра, ТСТБ ўтказиш талаби **2023 йил 1 январгача** қуйидаги нормалар мавжуд ҳужжатларга нисбатан мажбурий тарзда татбиқ этила бошланди:

–хўжалик юритувчи субъектларга янги чекловлар ва рухсат бериш тартиблари жорий этилишини назарда тутувчи ҳужжатлар;





**JOURNAL OF
SCIENCE AND INNOVATIVE RESEARCH STUDIES
VOLUME-1, ISSUE-3, 2026**

–юридик шахслар устав капиталига нисбатан талабларни оширишни кўзда тутувчи ҳужжатлар;

–хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча мажбуриятлар ёки харажатлар жорий этишни назарда тутувчи ҳужжатлар;

–хўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги давлат ёрдамани, шу жумладан, имтиёз ва кафолатлар тақдим этишни белгиловчи ҳужжатлар.

Мазкур қарорда, шунингдек, ТСТБ бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш натижалари билан бирга норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга мажбурий тақдим этиш талаби белгиланди. Жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган ҳужжатлар қабул қилувчи органлар томонидан мажбурий равишда ишлаб чиқувчиларга қайтарилиши шарт деб белгиланди.

Тизимнинг келгуси ривожланиши: 2024 йилдаги Президент Фармони

ТСТБ тизимини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармон “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий воситаси сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, норма ижодкорлиги жараёнида “ақлли тартибга солиш” (smart regulation) усулларида кенг фойдаланишни кўзда тутди.

Ушбу Фармон билан Адлия вазирлиги ҳузурида **Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти** ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари аниқ белгиланди. Шу жумладан:

–ижтимоий муносабатларни тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш;

–қонунчилик ҳужжатларини баҳолаш орқали тартибга солиш юқини камайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;





–ТСТБ, илмий, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш;

–хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ушбу Фармонда, шунингдек, 2025 йилдан бошлаб **амалдаги қонунчилик ҳужжатлари** юзасидан “ex post” баҳолаш тизими жорий этилиши белгиланди. Бунга кўра, қонунчилик ҳужжати кучга киргандан сўнг ҳар йили масъул давлат органи томонидан мониторинг, қонуности ҳужжатлар ҳужжатлар ҳар уч йилда, қонун ҳужжатлари эса ҳар беш йилда мақсадларга эришилганлик ва самарадорликни баҳолаш амалга оширилади. Ушбу ёндашув тизимни соф “**ex ante**” дастлабки баҳолашдан тўлақонли “**ex ante**” ва “**ex post**” баҳолаш цикли томон ривожлантириш сифатида баҳоланади.

Тартибга солиш гильотинаси ва амалдаги миқдорий натижалар

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимига параллел равишда Ўзбекистонда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш борасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “**тартибга солувчи гильотина**” усулини қўллаш орқали 2021–2025 йилларда **4000 дан** ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (ёки уларнинг алоҳида қисмлари) бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сон Фармонида **2028 йилга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ТСТБ кўрсаткичини **100 фоизга** етказиш белгиланган.

Шу билан бирга, амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондаги ТСТБ тизими ҳали ҳам ривожланиш жараёнида бўлиб, бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, ТСТБ ўтказиш имкониятига эга малакали кадрларнинг етишмаслиги, баҳолаш учун зарур статистик маълумотлар базасининг



чекланганлиги ана шундай муаммолар жумласига киради. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун эса хорижий тажрибани ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

ТСТБ соҳасида Корея Республикасининг тажрибаси

Корея Республикаси 1997 йилги иқтисодий инқирозидан сўнг ўз иқтисодиётини ўнглаш мақсадида тартибга солиш самарадорлигини ошириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширишга киришди. Таъкидлаш лозимки, ислохотлар тўрт хил йўналишда амалга оширилган: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш (deregulation), сифатли тартибга солиш тизими яратиш, корпоратив бошқарув ислохоти ва институционал қурилиш.

Биринчи йўналиш: Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш (Deregulation)

Ислохотнинг биринчи йўналишида амалдаги 11 мингта қонунчилик ҳужжатлари тўлиқ кўриб чиқилиб таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 50 фоизи бекор қилинди, қолган 40 фоизи эса тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва рақобатга таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш нуқтаи назаридан такомиллаштирилди.

Таҳлил давомида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- рақобатга салбий таъсир қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш;
- тартибга солиш юкини камайтириш мақсадида ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини бекор қилиш;
- норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлмаган (quasi-regulation), бироқ бизнес учун талаблар белгиланган ҳужжатларни бекор қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва хавфсизликка оид қонунчиликни такомиллаштириш.

Бироқ мазкур усул қутилган даражада тўлиқ самарали бўлмади. Бунинг сабаби шуки, ушбу усул асосан миқдорий натижага қаратилган бўлиб, вазирлик





ва идоралар томонидан асосан аҳамияти кам бўлган ҳужжатлар бекор қилиниб, муҳим қонунчилик ҳужжатлари сақлаб қолинди. Шунингдек, вақтнинг камлиги ҳамда ресурсларнинг етарли бўлмаганлиги ҳам тартибга солиш самарадорлигини ошириш юзасидан қониқарли натижага эришишга тўсқинлик қилди.

Тартибга солиш юки ошиб кетишини олдини олиш мақсадида Корея Ҳукумати томонидан *“soft sunseting”* сиёсати жорий этилди. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан 5 йилдан сўнг уни сақлаб қолиш учун етарли асослар бўлмаган тақдирда ўз кучини йўқотган деб топилади.

Иккинчи йўналиш: Сифатли тартибга солиш ва тизим яратиш

Бутун қонунчилик базасининг тўлиқ кўриб чиқилиши самарали бўлмаганлиги сабабли, Корея Ҳукумати томонидан ҳужжатларни “сифат” нуқтаи назаридан кўриб чиқиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизимда мазкур вазифани амалга ошира оладиган ташкилотлар ҳамда кадрлар шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

1994 йилда **“Маъмурий ҳужжатлар ва уларнинг қўлланилиши тўғрисида”**ги Қонун қабул қилиниб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда сифатли тартибга солишни таъминлашга қаратилган талаблар белгиланди: нормаларнинг аниқлиги, дискрецион ваколатларнинг камлиги, **“one-stop shop”** тизимига амал қилиш. Шунингдек, ҳар бир ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш зарурлиги назарда тутилди.

Шу билан бирга, қонунчилик ҳужжатларини йиллик кўриб чиқиш режасини тузиш тизими йўлга қўйилди. Унга кўра, ҳар бир вазирлик ва идора ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш йиллик режасини тузди. Бунда вазирлик ва идоралардан рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда тартибга солиш юқини асосиз орттирувчи ҳужжатларни бекор қилиш талаб этилди.

Учинчи йўналиш: Корпоратив бошқарув ислохоти



Ислоҳотлар Кореяда узоқ йиллар мобайнида корпоратив соҳада “Чибол” (chaebol) маданияти оқибатида юзага келган жиддий муаммоларга ҳам ечим топишга қаратилган эди. Чибол маданияти Кореяда “**Samsung, LG, Daewoo, Hyundai**” каби йирик корпорацияларнинг маълум бир топ доирадаги оилалар томонидан бошқарилишини ва давлат томонидан ушбу конгломератлар фаолиятини антимонополия қоидаларига мувофиқлаштиришда “*устисно*”лар тақдим этилишини англатади. Бу эса бозорда **стагнация** ва **рақобатсизлик** муҳитини юзага келтирган.

Ислоҳотлар рақобатни сулғаштириш ва йирик корпорацияларга асосиз имтиёзлар тақдим этишга қаратилган ҳукумат ҳужжатларини қайтадан кўриб чиқиш ва тугатишни ўз мақсади этиб белгилади. Бунда йирик корпорацияларнинг асосий фаолиятдан ортиқча диверсификация қилишга қатъий тақиқ жорий этилиб, имтиёзли кредитлар ва давлат қўллаб-қувватлов чораларини кичик ва ўрта бизнесларга тақдим этиш тартиби йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, импорт сиёсатида тарифлар муқобиллаштирилиб, ички бозорни ортиқча ҳимоя қилиш воситаларидан воз кечилди ва хорижий инвесторларга маҳаллий компанияларга инвестиция киритиш ёки уларнинг устав фондларига улуш қўшишга рухсат берилди. Бу тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қулай муҳит яратди.

Тўртинчи йўналиш: Институционал жиҳатдан шакллантириш

1997 йилда Корея Республикасида “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги Қонун асосида Тартибга солиш ислоҳотлари қўмитаси ташкил этилди. Мазкур Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ Қўмита тартибга солиш соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланди. Унинг асосий вазифалари сифатида тартибга солиш сиёсати ва тадқиқотларининг асосий йўналишини белгилаш, янги ва ўзгартирилган мажбурий талабларни кўриб чиқиш, қоидалар реестрини олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда ҳар бир агентликнинг тартибга





**JOURNAL OF
SCIENCE AND INNOVATIVE RESEARCH STUDIES
VOLUME-1, ISSUE-3, 2026**

солишни такомиллаштириш бўйича фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш белгиланди.

Қўмита Корея Республикаси Бош Вазирлиги офиси таркибига киритилган бўлиб, унинг фаолияти 30 та доимий штат бирлигидаги давлат хизматчилари ва ҳар бир вазирликдан 1 нафардан ажратилган (вазир ёрдамчиси ёки раҳбар ўринбосари даражасидаги) экспертлар билан йўлга қўйилди.

Корея Қонунчиликни таҳлил қилиш институти

1990 йилда Бош вазирлиги офиси ҳузурида қонунчиликни комплекс таҳлил қилишга ихтисослашган Корея қонунчиликни таҳлил қилиш институти (Korea Legislation Research Institute) ташкил этилди. Институт Корея Бош вазирлиги офисига бўйсунди.

Институт ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни аниқлаш ва Қўмитага асосланган таклифлар киритиш;

– вазирлик ва идоралар учун янги ва кучайтирилган тартиблар жорий этишни назарда тутувчи ҳужжатларга шартнома асосида ТСТБ хулосасини шакллантириш;

– Кореянинг миллий стратегияларига мувофиқ қонунчиликни "келажак истиқболларига" мослаштириш бўйича прогнозлар ишлаб чиқиш;

– ТСТБ йўналишида давлат органлари масъул ходимлари учун тренинглар ташкил этиш;

– қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари бўйича кенг жамоатчиликни ва аҳолининг тегишли қатламлари фикрини ўрганиш;

– қонунчиликка инновацияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– йиллик ҳисобот шаклидаги нашрлар чоп этиш.





Ҳозирги кунда Корея Республикасидаги тартибга солиш фаолияти

Ҳозирги кунда Корея Республикасида тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва янги тартибларни жорий этиш соҳасидаги фаолият Қўмита томонидан мувофиқлаштириб борилади. Барча янги ва (ёки) **кучайтирилган тартиблар жорий этишни** назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши учун Қўмита томонидан маъқулланиши лозим бўлиб, ҳар бир вазирлик ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида ТСТБ хулосасини киритиши мажбурий ҳисобланади. Ушбу тизим Кореянинг иқтисодий муваффақиятида муҳим роль ўйнаган ва мамлакатни ИХТТ аъзоси сифатида тан олинган давлатга айлантиришда асосий омиллардан бири бўлди.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида ТСТБ тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий базани яратиш йўлида жиддий ишлар амалга оширилди. Бир қатор қонунчилик ҳужжатлари билан мамлакатда **“ақлли тартибга солиш”** тамойилини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга асос солди. Бироқ Корея Республикаси тажрибасини Ўзбекистон шароити билан қиёсланганда бир қатор фарқлар ва такомиллаштириш зарурати кўринади.

Корея ислохотларининг асосий сабоғи шундан иборатки, тартибга солиш самарадорлигини ошириш учун миқдорий кўрсаткичлардан (ҳужжатлар сони) сифатли баҳолашга (ҳужжатларнинг иқтисодий ва ижтимоий таъсирини ўлчаш) ўтиш зарур. Бундан ташқари, тизимнинг барқарорлиги учун уни маъмурий ваколатларга эга мустақил институционал механизм билан таъминлаш тарихий жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги кўриниб турибди.

Ўзбекистон учун **“ex ante”** ва **“ex post”** баҳолаш механизмини самарали йўлга қўйиш — бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Фақат лойиҳани тасдиқлашдан олдинги баҳолаш эмас, балки қабул қилинган ҳужжатларнинг реал таъсирини ўлчаш ва зарур ўзгаришларни ўз вақтида киритиш механизми тизимнинг самарадорлигини таъминлайди.





JOURNAL OF SCIENCE AND INNOVATIVE RESEARCH STUDIES VOLUME-1, ISSUE-3, 2026

Корея Республикасининг тажрибаси ҳамда Ўзбекистондаги ислохотлардан келиб чиқиб, ТСТБ тизимини мазмуний жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатувчи барча амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш бўйича соҳалар кесимида 2026–2027 йилларга мўлжалланган комплекс режа ишлаб чиқиш тавсия этилади. Режага асосан ҳар бир вазирлик ва идора ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатларини уч асосий мезон бўйича таҳлил қилиб чиқиши лозим: рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи нормалар мавжудлиги, тадбиркорлик субъектларига асоссиз мажбурий талаблар белгиловчи нормалар мавжудлиги ҳамда рақобатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тоифадаги ҳужжатларни қабул қилиш тенденцияси.

“One-in, one-out” тамойилини закончиликда мустаҳкамлаш

Тартибга солиш юкини ошиб кетишини олдини олиш мақсадида “one-in, one-out” тамойилини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тавсия этилади. Яъни, янги мажбурий талаб киритилса, камида битта эски норма бекор қилиниши шарти юзасидан аниқ қоида белгиланиши лозим. Корея тажрибасида ушбу тамойил “**soft sunseting**” механизми билан биргаликда тартибга солиш юкининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилганлиги исботланган.

Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш доирасида ТСТБ бўйича йиллик малака ошириш курслари ва тренинглар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уларни барча тегишли давлат органлари ходимлари учун мажбурий тарзда жорий этиш тавсия этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тизимини ҳақиқий иштирок этиш механизмига айлантириш зарур. Бунинг учун муҳокама муддатларини реал (камида 30 кун) ва барча манфаатдор





тарафлар — тадбиркорлик бирлашмалари, академик доиралар ва фуқаролик жамияти вакиллари — иштирокини таъминлайдиган тарзда белгилаш лозим.

Шунингдек, ИХТТ, Жаҳон банки, АДБ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ТСТБ соҳасидаги техник ёрдам ва грант дастурларидан фаол фойдаланиш Ўзбекистон учун тизимни жорий этишда молиявий ва методологик қўллаб-қувватловни таъминлай олади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими — бу фақат маъмурий формалликни бажариш воситаси эмас, балки норматив ижодкорлик сифатини таъминлашнинг стратегик механизми. Корея Республикасининг тажрибаси шунини кўрсатадики, мазкур тизимни самарали йўлга қўйиш учун: биринчидан, меъёрий жиҳатдан мустақкам ҳуқуқий асос; иккинчидан, ваколатли институционал тузилма; учинчидан, малакали кадрлар; тўртинчидан, аниқ методология; бешинчидан, жамоатчиликнинг реал иштироки зарур.

Ўзбекистон Республикаси 2021–2024 йилларда ушбу соҳада жиддий ҳуқуқий база яратди. Энди навбатдаги вазифа — мазкур базани амалий жиҳатдан ишлайдиган тизимга айлантириш, “ex ante” ва “ex post” баҳолаш методологиясини кенгайтириш ва тизимни халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш. Ушбу йўлда Корея тажрибаси — ислохотнинг тезлиги, кенглиги ва институционал ёндашувидан сабоқ олиш Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5025-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ-80-сон Фармони





**JOURNAL OF
SCIENCE AND INNOVATIVE RESEARCH STUDIES
VOLUME-1, ISSUE-3, 2026**

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони.
4. OECD (2010). Better Regulation in Europe: Korea 2010. OECD Publishing, Paris.
5. OECD (2023). Regulatory Policy Outlook 2023. OECD Publishing, Paris.
6. Korea Legislation Research Institute (KLRI). Annual Report on Legislative Research. Seoul, 2022.
7. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти. Корея Республикасида Тартибга солиш юқини камайтириш ва самарадорлигини ошириш ислоҳоти юзасидан таҳлил яқунлари бўйича маълумотнома. — Тошкент, 2025.
8. World Bank (2021). Regulatory Impact Assessment: A Practitioner's Guide. Washington, D.C.: World Bank Publications.
9. Jacobs, S. H. (1997). An Overview of Regulatory Impact Analysis in OECD Countries. — OECD, Paris.
10. Baldwin, R., Cave, M., Lodge, M. (2012). Understanding Regulation: Theory, Strategy, and Practice. 2nd ed. — Oxford University Press.

